

ШАРТНОМА № 21 и/е

13 сентябрь .2022 йил

Гузор ш.

«Ўзбектелеком» АКнинг Кашкадарё филиали номидан бундан бўён «Оператор» деб аталувчи,

Ўзбектелеком» АК Қашкадарё филиали

(операторнинг номланиши)

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низоом асосида фаолият кўрсатувчи

директор Ж С Бозоров

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Гуздор тумани 1-сон касб шунақ мажлиси  
Юридик шахс.

Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи:	Гуздор тумани 1-сон касб шунақ мажлиси
Манзили:	Гуздор тумани Ўзбекистон юрда
Раҳбар:	Директор Ш. Шарипов

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан куйидаги шартномани шу ҳақда туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор, мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ва зарур алоқа билан таъминлаш ҳамда телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан маблаг олувчи ташкилотига кўрсатилган алоқа хизматлари учун куйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

Йил					(сумда)
	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 йил Бюджет хисобидан	1 200 000	—	—	—	1 200 000
Жами:	1 200 000				1 200 000

Жами 2022 йилда: 1.200.000 (Бер н.п.и. икки юз минг) сўм

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат хақини туловчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

## 2. ОПЕРАТОРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

- 2.1.1. Белгиланган сифат даражасида Интернет тармоғига улаш, телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.
- 2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари хақида хабар бериш.
- 2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.
- 2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқилиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эъзига Абонентга бериш.
- 2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотеке ва хоказодар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш коидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

2.1.7. Оператор кўрсатилган хизматлар ҳисоб-варақ фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

## 2.2. Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг руҳсатсиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузаткич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиши.

2.2.3. Қўйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 қун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш коидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халақит берган ҳолларда;

- 3.7.-банд бузилганда, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга қадар.

Шартномани қайта тиклаш ва охириги қурилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузатиб бўлингандан сўнг ва Абонент томонидан маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқасининг телекоммуникациялар хизматлари учун ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади (алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилган муддат ҳам кирради).

2.2.4. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.5. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

## 3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»нинг қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга руҳсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Факат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси (АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга руҳсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган хатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

3.12. Абонент кўрсатилган хизматлар ҳақини тулаш учун «Тўловчига» ҳар ойда ҳисоб-варақ фактуралар нуسخасини етказиб боради.

- 3.13. Абонент факатгина харажатлар сметасида алока хизматлари учун 2022йилда ажратилган маблағлар доирасида шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган (бюджет ҳисобидан) туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- 3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблағ олувчига кўрсатиладиган телефон алокаси хизматларига қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳақ тўланади.
- 3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет ҳисобидан туланадиган қаторида кўрсатилган сумма асосида ҳар чоракнинг учдан бир қисми доирасида ойма –ой туловни амалга оширади.

#### 4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

- 4.1. Абонент смета харажати маблағлари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан умумий иш ҳажмини 15% миқдорида, кўзда тутилган иш ҳажми бажариб бўлингандан кейин қолган сўммани 100% тулов ўзаро топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан хизмат ҳақини тўлайди.
- 4.2. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алокаси учун тўловлар:  
- олдиндан тўлов (бунак) йўли билан амалга оширилади.
- 4.3. Олдиндан 15% тарикасидаги тўловлар шартнома имзолангандан кейин 3 кун муддат ичида амалга оширилиши лозим
- 4.4. Телефон алокаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунак суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:  
- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;  
- ҳисоблагичлар;  
- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.  
Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).
- 4.5. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алокасида фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга қиради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.
- 4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.
- 4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.
- 4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алока хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.
- 4.6. Белгиланган муддатда алока хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, буни оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.
- Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.
- 4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонида тегишли эҳтисобига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмаса судга мурожаат қилиши мумкин.
- 4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиб коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.
- 4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдорида тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлик ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.
- 4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик миқдорда ундириб олинади.
- 4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алокасида фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамли аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу усқуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

#### 5 НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тугадилар.
- 5.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар иқтисодий судеудида ҳал этилади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғриси»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7.ФОРС-МАЖОР

7.1.Томонларнинг хошиш-истагига мутлако боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, харбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

7.2.Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома 13 сентябр 2022 йилдан кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабр \_\_\_\_\_ гача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома уч нусxada тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан бериллади.

10.ТОМОНЛАРNING ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

«Ўзбектелеком» АҚ Қашқадарё филиали  
180300 Қарши шаҳри Бешкент шоссе 3км  
Тел/факс: 75 211 05 20 75 211 05 11  
х/р: 20 210 000 504074838334  
Банк номи: АТ Алоқа банк Қарши ш.  
МФО: 00401 ИНН: 203 366 731  
ОКЭД: 61100

Директор Бозоров Ж С



«Абонент»

Ғузур турани 1-сон қаб-хўжалик маъ  
меда

Тел/факс:

х/р: 100010860102077092901079003

Банк номи:

Ғажалик хўжалик банк.

МФО: 00014

ИНН: 200678639

ОКЭД:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

ОКОН:

Юридик ҳулоса:



Тазначилк х/в:

23402000300100001010

Тазначилк номи:

Ғажалик хўжалик банк ККК

МФО:

00014

Тазначилк бўлинмаси СТИРи

201122919

«Ўзбектелеком» АҚ Қашқадарё филиалида Қашқадарё вилоят Ғузур 1-сон КХМ ўртасидажами: 1200.000 суммасида тузилган алоқа хизмати кўрсатиш бўйича 2022 йил « 13 » сентябр даги тузилган шартнома Ўзбекистон Республикаси « Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғриси» даги Қонун ва Фуқаролик кодекси талаблари асосида тузилган. -Шартнома талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига жавоб беради. -Шартнома мажбуриятлари бузиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик ва низоларни ҳал этиш чоралари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради.